

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

БИЗ БУЮК ХАЛҚМИЗ!



ЙИГИТ

Суратчи: Ҳалим САИДОВ

Мана мустақиллигимизнинг тарихий бир йили ортада қолмоқда. Шу вақт оралигида Ўзбекистон деган юрт ҳам борлиги жаҳонга ошкор бўлди. Биз ҳам жаҳонни таний бошладик.

Юртимизга мустақиллик билан изма-из, бироз дастурхонимизнинг рангини ўчириб, бозор деганлари ҳам кириб келди. У турли синовларини рўбарў қилиб забтига олмоқда. Синов оғир кечайтгани, рост. Буни ҳукуматимиз ҳам, президентимиз ҳам кўриб, билиб турибди. Бутун сайё-ҳаракатини ана шу зарбаларни юмшатишга, халқимизни оғир синовлардан омон-эсон олиб ўтишга қаратмоқда.

Мустақиллик келди. Лекин ҳали йўқчилик борлиги, социализм бутун умр яшириб келган ўғрилик, юлғичликлар мавжудлиги ҳам бор гап. Ҳукуматимиз, президентимиз бу иллатларнинг илдизини қирқиш учун ҳам барча ишларни қилмоқда.

Асримиз бошларида Америка халқи ҳам бугун биз бошимиздан кечираётган кунлардан-да, оғирроқ кунларга дучор бўлган. Дунё инқилобий тўфонлар домида қолган, АКШнинг деярли барча штатларида аҳвол ниҳоятда қалтис эди. Мамлакатни порахўрлик, ўғрилик, талончилик буткул қамраган, фаҳш авжига чиққан, ҳар бир муюлишида қотиллик юз берарди. Жамият таназзулга юз тутганди. Шунда америкалик олимлар йўл топшиди. Яъни улар Америка халқиға оғдий бир савол билан мурожаат қилди: «Биз буюк халқимизми ёки йўқ?» Саволга забун ҳолга тушган бутун Америка мағрур туриб: «Биз буюк халқимиз!» деб жавоб берди. Ана шундай жавоб берган америка халқи ҳақиқатнинг юзига тик боқиб, тезда таназзул ботқоғидан чиқиб олди ва чиндан ҳам буюк халққа айланди.

Азиз ватандошлар! Мамлакатимиз мустақиллигининг бир йиллиги нишонланадиган қутлуғ сана арафасида, оғир синовларни бошимиздан кечираётган, ҳали олдинда бундан-да машаққатлироқ синовлар кутаётган бир пайтда биз ҳам Сизларга худди ана шундай савол билан мурожаат этамиз: «Биз буюк халқимизми ёки йўқ?»

Ва юрақларимиз туб-тубидан шундай садони тинглаймиз:

БИЗ БУЮК ХАЛҚМИЗ!

КЕЙИНГИ

СОНЛАРДА:



ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР:

НОБЕЛ МУКОФОТИНИ КИМ ОЛАДИ?

БИРОДАР АБДУРАИМОВ:

МАЙДОНГА МАРДЛАР ТУШАДИ

(53)35 «Оила ва жамият»

ЕТТИ КУН

ТУҒИЛМАСИДАН УЛОВИ БЕЛГИЛИ

Биринчи сентябрга ўтар кечаси Тошкент туғруқоналарида дунёга келажак болакайларга маъна бўлади. Пойтахт ҳокимлиги мамлакатимизнинг мустақиллик байрами муносабати билан уларга биттадан аравача ва омонат кассалар орқали минг сўмдан пул совға қилмоқчи, — деди ўтган шанба кuni шаҳар ҳокимининг ўринбосари жаноб А. Раззоқов.

БУНДАН ТАШҚАРИ...

Мустақиллик майдонида ўтажак байрам концертида болаларнинг ўн бешга яқин ижодий жамоаси томоша кўрсатади. Улар орасида Ўзбекистон Болалар жамғармасининг «Томоша» театрдияси чўжиқлари-да бор.

БОЛАЛАР ЧАНҚАШСА...

Байрам кунлари 130 минг шиша чанқовбосди ичимлигини, 30 тонна музқаймоқни истеъмол қилишлари мумкин. 234 та маҳсус савдо дўкони уларнинг хизматида бўлади.

МЕҲМОНХОНА БУФЕТЛАРИ

Эса кечаси соат иккигача ишлайди. Чунки меҳмонлар ярим тунгача томоша билан банд бўлишиб, оч қолмасликлари керак.

ЎША КУНЛАРИ

Бутун республика савдо тармоқларига 376 миллион сўмлик саноат моллари савдога чиқади. Бу товарлар орасида болаларнинг кийим-кечагию, ўйинчоқлари ҳам кўп, албатта.

АММО

Байрамнинг энг қизиқ томошаси мамлакатимизнинг бош майдонида бўлади. Верталётлар тарихда биринчи марта миллий байроғимизни олиб ўтадилар. 21 марта тўплардан ўқ узилиб, салют берилади.

12 ПАРАШЮТЧИ

эса верталётдан сакраб, майдон осмонида шакллар ясаб, томоша кўрсатади.

АЙТГАНЧА

Чавандоз йигитлару чиройли туялар қатнашмаган байрам-байрамми!.. Миллий байрамимиз ана шундай — ранг-баранг томошаларга бой бўлади ва бу каби ажойиб тантаналар Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ўтказиш мўлжалланмоқда, — деб хабар беради маҳсус мухбиримиз Жонқобил Жума.

НОДИРАБЕГИМ МУКОФОТИ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Нодирабегим мукофотини таъсис этди. Мукофот ишда ҳам, уйда ҳам оқила, покиза, саришта, садоқатли, меҳрибон аёлларга, бундан-да зиёда уй бекаларига берилади. Аёллар таърифиди мукаммал асарлар яратган ижодкорлар ҳам ушбу мукофотга даъвогарлик қилиши мумкин.

Мохларойим Нодирабегим мукофоти 5 минг сўм, диплом ва кўкракка тақадиган нишондан иборат. Мукофот ҳар йили мустақиллик кuni берилади. Ҳомий вилоят аёллар кўмитаси ҳузуридаги «Бибихоним» корхонаси.

ЧИРЧИҚДА
ТЎЙ БЎЛДИ

Карнай-сурнай наволари корхонасидир.

Ийғилган барча фуқарони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Халқ ноиб Дадахон Ёқубов қизғин табриклар, икки чинор ёшли мўйсафидга уст-бош сарпо (тўн, дўппи кийдириб, белига қийиқ боғлайди) инъом этди.

Жигаристон фалокатидан омон қолган Қурол Раховга эллик минг сўм инъом қилинди. Бир ногирон оила ва икки қаҳрамон онага зотдор сигир совға қилинди. Ҳамида опа Курамбоевага ҳам бир говмиш инъом этилди.

«Ўрта Чирчиқ» маҳалла масжиди имом хатиби Исҳоқ Ҳожи: «Аллоҳу акбар» деб,

янги туғилган чақалоқларнинг қулоғига азон айтдилар ва уларга гўзал исмлар қўйилди. Истиқлол байрами арафасида туғилган фарзандларга совғалар топширилди. Ўзбекна удумларимиз бор бўйича ўз амалиёт тўнини кийиб, уч келин-куёвга ҳар бири йигирма икки минг сўм турадиган уч дона мейбел совға қилинди.

Чирчиқ шаҳри фуқароларининг ночор тоифалари, майибу мажруҳлари, кўп болали оилалари ва етим-есирлари, муборак ёшли қариялари ҳаммаси яратганга шукроналар айтишди.

О. БУРИЕВ



«ТОМОША» САҲНАДА

Уза сурати

ГУЛЧЕҲРА САЪДУЛЛАЕВА:

«БОЛА БОҚИШНИ
АФЗАЛ КЎРДИМ»

Гулчеҳра опа ўзим ўсиб-ўлғайган Косон туманида туғилганларини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

— Бўёғи қизиқ бўлган, — дейди у киши. — Тоғам анча йил судя бўлиб ишлаганлар. Ҳозир Андижонда туришавди. Мен туғилган йили оилалари билан Қашқадарёда, Косон туманида яшашган. Ушанда онам тоғамникига меҳмонга борганларида туғилиб қолган эканман. Ота-боболаримиз тошкентлик бўлишган.

— Гулчеҳра опа, санъатга қизиқишингиз қандай бошланган!

— Ёшлигимда орзуим врач бўлиш эди. 8-синфгача шифокор бўлсам деб орзу қилардим. 9-синфда ўқиб юрганганимизда бир дугонам билан Н. Островский номли пионерлар саройи қошидаги драма тўғарагига қатнай бошладик. Ёшлик ҳавасини, ё бошқа сабабми, театрга қизиқиб қолдим. Кейин санъаткорлик илм даргоҳини танладим. У ерда устозлардан санъат сирларини ўргандим, роллар ижро эта бошладим. Бу орада режиссёр С. Анор-

қуловнинг Хидир Деряев асарига асосида тайёрланган «Қисмат» телеспектаклига танлов эълон қилинди. Тақдирнинг иноятини қарангки, бош қаҳрамон-қиз родини мен, йигит родини Лутфулла акангиз ижро этадиган бўлдим. Мана ўшандан буён саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам Лутфулла акангиз иккимиз биргамиз.

— Гулчеҳра опа, шу кунларда қалбингизни нима безовта қилади!

— Меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганлиги, яқин кишилар ўртасидаги арзимас тортишувлар. Узаро олишувларга берилиб кетиб яшашни ҳам унутиб қўйибмиз. Утган йили қизчалик бўлганлигимиз ҳамкасбларимизни ажаблантирди. Шунақа, уй

бекаси бўлиб, бола боқишни афзал билдим. Тўғри қилган эканман...

— Гулчеҳра опа, спектаклларда доим Лутфулла ака билан бирга рол ўйнайсиз. Бу рашқданми!

— Йўқ, синглим. Бир-биримизга ишонамиз. Бирга рол ўйнашимиз сабаби — иккимиз бўлганда эркин ўйнаймиз. Ишда чала қолганини уйда гаплашамиз. Лутфулла акангизга қайси актрисалар билан ролда мос тушишларини ўзим маслаҳат бериб тураман.

— Сизнингча бахт нима!

— Бахтнинг калити оилада деб биламан. Оиланинг бахти эса аввало аёлга боғлиқ. Эрақ киши аёлни мададига муҳтож. Аёл аёлгича қо-

лиши керак. Узимни бахтли аёл бўлсам керак деб ўйлайман. Уч боланинг онасиман. Иккита ширинтой неварам бор — бувиман. Қиз чиқариб, келин туширдик.

— Фарзандларингизнинг санъатга муносабати!

— Сарваржон йўлимиздан кетди. Маданият олийгоҳининг режиссёрлик кулётини битириш арафасида. Лекин театрдиги шароитни кўриб, бу ерга келгиси йўқроқ. Ҳозирча биржада ҳамкорлик қияпти. Куёвимиз ҳамкасб. Ҳамза театрида ишлайди. У киши Лутфулла акангизнинг шоғирдлари Фатхулла Маъсудов.

— Нега киноларда кам суратга тушасиз!

— Сабаби кинода сафарлар кўп. Елғиз кетгим келмайди. Тошкентда тақриф қилиш жон-жон деб рози бўламан.

— Гулчеҳра опа, бўш вақтингизда нима билан шугулланишни хуш кўрасиз!

— Ширингина келиним Камолахонга рўзгор тутимини баҳамлашаман. Қайнона-келин ҳар хил пишириқлар пиширамиз, кичкинтой билан вақтимиз қандай ўтгани билинмай қолади. Камолахон Рус тили ва адабиёти олийгоҳида ўқийдилар. Мен ҳам барибир ишимни, ҳамкасбларимни соғинаман...

Марҳабо АҲМЕДОВА
сўхбатлашди



Ўзбекистон Фанлар академиясининг 18 йиллик президенти, марҳум Обид СОДИҚОВнинг аёли билан суҳбат.

«БУ КУНЛАРГА ЕТМАГАНЛАР БОР»

Муҳаббатхон Содиқова 54 ёшда. Врач. Тошкент шаҳридаги 1-марказий поликлиникада бўлим мудирини бўлиб ишлайди. Мулойим, самимий аёл. Камтар кишиларни ҳурмат қилади. Ҳалоллик, поклик каби хислатларни қадрлайди.

— Муҳаббат опа, раҳматли Обид ака Содиқовнинг таржиман ҳолларини қисқача гапириб берсангиз...

— Обид акангиз 1913 йилда туғилганлар. Тош ДДнинг кимё куллийтини битирганлар. Уқиш давомида 3-курсдан кейин лобарант бўлиб ҳам ишлаганлар. 27 ёшларида фан номзоди, 32 ёшларида фан доктори бўлганлар.

Уруш йилларида СамДДАда ишлаганлар. Ундан кейин эса ТошДДАга келиб, 1958 йилдан 1966 йилгача шу дорилфунун ректори бўлганлар. Ҳозирги ТошДДА янги бош биноси пойдеворининг биринчи гиштини ҳам Обид акангиз қўйганлар. Кейин Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти лавозимида ишладилар. Шунингдек, «Биоорганик кимё» илмгоҳини очдилар ва ҳозир бу илмгоҳ у кишининг номлари билан юритилади.

У киши жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби эдилар. Уша пайтда кимё соҳасидаги улкан хизматлари учун «Социалистик Меҳнат қаҳрамони» деган унвон ҳам берилганди. Жумҳуриятда фақат Обид акангизда Менделеев номидаги олтин медал бор эди.

ЎзФАнинг академиги, СССР ФАнинг ҳақиқий аъзоси эдилар.

— Обид акани таъқиб остига ҳам олишган дейишадими...

— Буниси ҳам бўлган. XVI пленумдан кейин 1985 йил 22 ноябрда «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарида у кишига нисбатан нотўғри фикрлар билдирилди. Лекин халқ, илм аҳли, шоғирдлари, атрофдагилар у инсоннинг ҳалоллиги, поклигини, илмга, фанга содиқлигини ва тугма қобилият соҳиби эканлигини яхши билишарди.

— Обид ака кишилардаги, хусусан, аёллардаги қайси фазилатларни қадрладилар!

— Одоб, ҳаё, муҳаббат — қисқа қилиб айтганда аёллардаги оналик меҳрини, покизаликни, чин инсонийликни қадрладилар. Мен шу ерда албатта Қундузхон опа Юсуповани эслаб ўтишни хоҳлардим (Муҳаббат опанинг кўзларида ёш қалқиди, Қундузхон

опа тўғриларида айтганларини эшитиб, ҳайратга тушдим. Эрининг олдинги аёлини шунча илиқ сўзлар ила ёдга олса...). Қундузхон опа Обид акангизнинг биринчи рафиқалари эдилар. У кишидай меҳрибон, у кишидай самимий инсон йўқ эди. Обид акангиз билан биргаликда у кишини деярли ҳар куни эслаб юрагим эзиларди. Қундузхон опа 1973 йилда қазо қилганлар. Улар уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказган эдилар. Катта ўғиллари Алишер ота изидан борди, фан доктори, қизлари Комила ТошДДАда ишляптилар. Кичик ўғиллари Улуғбек эса мен билан бирга яшайпти, юрист, фан номзоди. Шулар туфайли келинлим, куёвлим, набираларим бор... Худого шукур, ўз оналаридек ҳурмат қилишадим мени. Илойим барака топишсин.

Обид акангиз ёш болага ҳам салом бериб юрардилар. Домла нега болаларга салом бериб юрасиз, десам, боланинг тарбияси шундан бошланади, деб жавоб берардилар.

— Обид ака билан, айтилик... ўрталарингизга совуқчилик тушган пайтлар ҳам бўлганми!

— Йўқ. Ҳеч эслаб олмайман, бундай воқеани.

— Иккинчи хотин бўлиб бораётган пайтингизда, бунинг устига Обид акадан йигирма ёш кичик экансиз, ёши катта деб иккиланмаганми?

— Энди қандай бўлар экан деб юрагимга ҳадик ҳам тушган, ҳаёлимдан турли ўйлар ҳам ўтган. Лекин шундай улуғ инсонга ёстиқдош, унинг саломатлиги, иссиқ-совуғидан бохабар бўлишим мен учун бахт эди. «Ҳеч бўлмаганда бир йил кўп яшашига ёрдам беринг», дейишгани менга у кишининг шоғирдлари. Шукур, Обид ака билан 12 йил бирга яшадик. Худонинг буоргани шу экан.

Юрак инфарктини ўтказган эдилар. Шунга қарамасдан одаллари буйича ишлар — маълум вақтда турардилар ва маълум вақтда ўз ишлари билан машғул бўлардилар.

— Бозор-ўчарни ким қиларди! Ҳар ҳолда Фанлар академиясининг президенти...

Тахририятдан: Кеча ватандаги ватансизлар эдик. Бугун шу ватан бизники, ўз ватанимизда яшайпмиз. Халқимизнинг қанчадан қанча ақл чироқлари Ватан армонида ўтдилар. Улар: энг оғир замонларда ҳам очган қонларини, миллатнинг келажагига ишонч, эртанинг умидида сир сақлаб кетган Ҳабиб Абдулло, номининг ўзини тилга олиш шакоклик ҳисобланган даврларда Амур Темур бобомиз ҳурматини ошқор жойига қўйган Иброҳим Мўмин, ўзбек санъати довуғини дунёга таратган Аброр Ҳидоят, «Фарёд солар чоқда жим бўла олган» Миртемир... эҳ, не бир зотлар эди! Улар бу кунларга етмади, бу кунларни кўрмади — бу бир буюк армонимиз. Фақат бир нарса қалбларимизга таскин беради: ул зотларнинг ишлари бугунга етиб келди, бугунни бугун қилди, бугундан-да ўтиб келажакка боради.

Улкан олим, марҳум Обид Содиқов ҳам халқимизнинг ана шундай фарзандларидан бири эди. Биз ушбу қутлуғ кунлар арафасида у кишининг оналари билан суҳбат қураб эканмиз, ўтганларни эслаб қўйишни ниёт қилдик. Ул зотларнинг жойлари жаннатдан бўлсин. Ерқин келажагимиз йўлида пирлари мададкор бўлсин!

— Бозор-ўчарни кўпроқ болалар билан мен қилардим. У кишининг ишлари ҳаддан ташқари кўп эди.

— Домла кимёдан ташқари кўпроқ нималарни севардилар!

— Обид ака мумтоз ашуларни кўп тинглардилар. Юнус Ражабий у кишининг севган хонандалари эди.

— Нималарни орзу қилардилар!

— Эркинликни орзу қилардилар. Ҳар ким ўз соҳаси бўйича ишлашини истардилар. Ҳар ишга юқорининг аралашшини хоҳламадилар.

— Обид аканинг армонлари бор-миди! Ҳар ҳолда сиз сирдошлари бўлгансиз!

— Ўзбекининг буюк ўғлонлари дунёга чиқшини орзу қилардилар. Қанчадан-қанча, билимли, қобилиятли одамлар шунчаки ижрочи бўлиб қолганига ачинардилар.

— Ҳаётингизда энг даҳшатли кунни эслаб оласизми!

— Эслаймам. 1987 йилнинг 22 июль кунини. Шу кунини Обид акангиз оламдан ўтдилар. (Муҳаббат опанинг кўзларидаги ёш анча вақт тўхтамади).

— 12 йил давомида ёши бир жойга бориб қолган улуғ бир инсонни сузасиз, дардига малҳам бўлибсиз, оқ ювиб оқ тарабсиз. Ҳозирги кунда оиласининг тинчи йўқолиши, ҳатто, бузилишига ўзлари ҳам сабабчи бўлаётган аёлларга нима дейсиз!

— Аввало, ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Ким нимани эҳса шуни ўради. Бу дунё қайтар дунёдир. Лекин ҳар бир ўзбек аёли ўзининг ўзбеклигини, мусулмалигини унутмасин.

— Одатда одамлардан мол-мулк, уй-жой ва бошқалар қолади. Обид акадан сизга нима мерос қолди!

— Биринчиси, уч олим, яъни фарзандлари бўлса, иккинчиси одамийлик қолди. Бу одамнинг илмий ишлари, шоғирдлари ҳаммага маълум.

— Еш қизларга, келинларга тилақларингиз!

— Тилагим, улар покиза, ҳаёли, иболи бўлишсин. Турмушга чиққанларида бурчига содиқ, меҳрибон хотин бўлишсин. Кимки пок бўлса у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам юзи ёруғ бўлади.



ЖИЛГАЛАР ОҚАВЕРАДИ

(53)35 «Оила ва жамият»

**Бисмиллаҳдир Роҳимир роҳим.**

Ун саккиз минг оламини яратиб, тарбия этиб келатган Ҳақ субҳонаҳу ватаолога ҳамд. Унинг маҳбуб пайғамбарии Мухаммад ибн Абдулло (саллоллоҳу алайҳи васаллам)га, ул зоти баракотнинг аҳлу аёлларига то қиёматгача саловот ва саломлар бўлсин.

Муслим, Муслмон. Иймон келтирганлар.

Бутун Ислому Оламининг дастури бўлмиш, Қуръони каримда мадҳ этилган бу ном эгалари, не тонгики замонлар ўтиши билан ўз ҳикматидан йироқлашмоқда.

Ҳўш муслим киму, унинг ҳикмати не?

Бутун муслмон деганда, кўз олдимизга бошида оқ дастор, эгнида узун тўн, суннати Расулulloҳ белгиси бўлмиш соқол мўйловли киши келади. Тўғри-да, Фрунзе, Калинин каби Урусия инқилобининг фидойилари келиб қирган, қатағон қилган муслмонларнинг тақчи қиёфаси шундай эди-да.

Бутун урису ўзбек, «босмачи» киноларини кўравериб, музейлардаги мойбўёқ суратларга термулавериб, дейдаси қотганидан, муслмон деса, кўз олдига юқорида қайд этилган ҳолат келади.

Афсус. Биз шу ҳолатга тушдик. Бизнинг баҳомиз шу бўлди. Аслидачи? «Ла илаҳа иллаллоҳу Мухаммадур Расулulloҳ» дея дастлаб иймон келтириб, Ислому кирган муслмонлар қандай эдилар? Оҳ, уларнинг сурати ва сийрати, қудрати ва тафаккури! Сурату сийратлар, қудрату тафаккурлар, шажарадан шажарага ўтиб, Ислому оламини Мовароуннаҳр замининда туғилган муслимлар ларзага сола бошлади. Имом Бухорий, имом Термизий, имом Дарамий, имом Мотирудий, имом Абулайс ас-Самарқандий, имом Замаҳшарий, имом Ал-Сарахсий, имом Шоший, имом Насафий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Али Қушчи, Заҳридин Мухаммад Бобур... (Аллоҳ улардан рози бўлсин).

Бу номлар ҳанузгача бутун Ислому оламида ҳурмат билан тилга олинади. Не қилайлик, тақдир экан, шундай зотларнинг шажараси, замон келиб ўз юртида «босмачи» бўлди. Уз дарсхонасидан «саводсиз», дея ҳайдаб чиқарилди. Бизни «саводсиз» деганлар, кечагина сиёсатни, ҳуқуқни, фалсафани, фалакитни, одамийликни, жуғрофияни, ўша бошида муборак дастор, эгнида узун тўнли, қалбида йймон нури балқиган боболаримиз кўлэмаларидан ўрганишганини унуттиганди. Балки бутун бу гина-қудратлар ўринли эмасдир. Лекин, ҳақорат сўзларини тинглайдиган замон ҳам эмас. Бутун кўпчилик, жумладан ғайри муслим биродарлар, муслмончиликини, муслмон фарзандини сиёсатдан, иқтисоддан, ҳуқуқдан, ижтимоий ҳаётдан айри шахслар деб талқин этмоқдалар. Йўқ! Оғайни, асло ундай эмас. Фикҳ (ҳуқуқшунослик)ни, сиёсат (давлат қурилиш)ни, абжад (арифметика)ни, айнан ана шу муслмон тафаккурида синаб, дунёга таратди.

«Денгиз ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали. Колумба бор аламин маним, Ўзбекистон, Ватаним маним»...

САБР КЎНГИЛДА,

Бутун муслмончилик деганда кўпчилик, қоронғу уйга кириб олиб, намоз ўқиш, рўза тутишни тасаввур қилдилар. Афсуски, ундай эмас. Муслмончиликнинг асл моҳияти ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш бўлса-да, дунёдан, ижтимоий ҳаётдан, ватан ҳимоясидан, инсон тафаккури ривожидан, жамият тараққиёти оқимидан айрича ҳолатда ҳаёт кечириб дегани эмас. Афсуски, худди шундай тушунчаси бор кишилар ўз ичимиздан чиқиб, бошида дастори бор одамни бошини олдирди. Оқибатда икки-уч авлод тарбиясиз қолди. Илгари ҳар бир овул, қишлоқ ва маҳалланинг масжиди, ёмон ишлардан қайтарувчи оқсоқоли бўлган бўлса, бутун ҳар бир кўчанинг ўз ўғриси бор. Ҳар бир муслмоннинг ўз кушандаси — кўшниси бор. 70 йиллик шўро тузуми шу кўйга солди бизни.

Бирёқлама фикрлашнинг бутунги ёмон оқибатларидан яна бири, кўчакўйда ҳижобда юрган аёлларимизга ҳайратланиб қарашдир. Узлигини таниган ҳар бир инсон, бу ҳолатни фақат қутламоғи лозим. Ҳижобга салбий назар билан қаровчи аёллардан бири, шаҳри азинда, ёнида ҳижоб ёпиниб кетаётган қизга «нима бизларни яна паранжига тиқмоқчисиларми?» дебди. Қиз ҳам ҳозир жавоб экан, «Паранжига кирганингизда ўзгариб қолармидингиз?» дея, шартта айтиб қўя қолибди.

Саудия Арабистонидан келган ва-

керак. Дунёни билиш ва кўриш, мустақиллик йўлидан бораётган Ўзбекистон давлати ҳар бир миллий фуқаросининг етук инсон бўлиши демакдир. Атрофимиздаги хорижий ўрис элатларининг айрим сиёсатдонлари, Ўзбекистонда динга эркинлик берилди, энди муслмонлар тараққиётдан юз йилча ортага қайтадилар. Ислому таълимоти жоҳилликлар, хотин-қизларни қайта паранжига тиқидан бошқа нарса эмас, қабилидаги гоёларни илгари суришиб, сунъий низолар чиқаришга уринмоқда.

Сабр муслмоннинг олий фазилати. Қуръони каримда бу фазилат кўп зикр этилган. Оятларидан бирида Ҳақ субҳонаҳу ватаоло биз бандларга хитоб қилиб, «Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир» дейди. Сабр хусусида Мир Алишер ҳазратлари ҳам кўп топиб айтган эканлар:

**Сабр кўнгулда,
Кўнгул ул Ойда,
Ул Ой кемада.**

Ўзбек оиласидаги бутунги тақчиллик, бозорлардаги қимматчилик иншооллоҳ тезда ўз ўрнига тушади. Алдовларга, фитналарга эргашмасак бўлгани. Худо ҳаммамизга сабр берсин.

Бутун япунинг кампатор деган тилсиз, жағсиз, аммо энг ақлли «дилбазари» ўрта мактабларга ҳам кириб келаяпти. Лекин фарзандларимиз уни ўзлаштира олишяптими? Узимизчи? Сўрасангиз, «менга нима берарди

— Бор-йўғи саккиз тилда гаплаша оламан, холос.— дея кулимсиреди у.

Мана сизга ҳақиқий муслмон. Ислому бир муслмоннинг учта ғайридинга тенг келиши лозимлигини ўқтиради. Демак, ибодат, иқтисодиёт, сиёсат, маънавият, маданият буларнинг барчаси ҳар бир ўзбек фарзандида мукаммал акс этмоғи лозим.

Биз бутун имом Бухорий ва имом Термизий номларини диндор олим сифатида тилга олаимиз, холос. Йўқ, улар фақатгина диндор бўлишмаган. Фалсафада, ҳуқуқда, сиёсатда мукамал инсонлар бўлишган. Шу боис уларни ҳанузгача бутун муслмон олами ҳурмат қилади.

Уч йилдирик, муборак ҳаж ибодати-га борган ҳожиларимизни Саудия подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз ўз шахсий меҳмони сифатида қабул қилмоқдалар. Сабаби битта. Имом Бухорий ҳурматидан.

Саудия подшоҳи Фаҳднинг қиблагохлари ҳали ҳаётлик даятларида Рибдан Томфга сафар қилибдилар. Йўлда тунайдиган бўлишибди. Шунда шох Абдулазиз ҳамма хизматчиларини бир ерга тўплаб, ўзи ҳам улар билан бирга кечки овқатга ўтирибди. Хизматчиларга бирма бир назар ташласа, улар ичида бир кишининг араб эмаслигини пайқабди. Унга:

— Сен кимсан,— дебди.
— Ислому Убайдуллоҳ, Бухорийман,— дебди у.— Машина устахона-гизда хизмат қиламан. Юртимизда

КЎНГИЛ УЛ ОЙДА,

тандошимиз, Абдуллоҳ Абдулқоюм Мухаммад Бухорий билан суҳбатлашиб, гап шу мавзуга борганда, у киши бизга жуда қаттиқ танбеҳ бердилар.

— Сизларда қизик экан. Аёлларингиз кўчага очик-сочик чиқаверишаркан. Фараз қилинг, уйингизда бир дона соф гавҳарингиз бор. Уни ҳеч қачон кўчага чиқариб ташламайсиз. Аксинча, гард юқтирмай авайлаб асрайсиз. Хонадонингиздаги аёлингиз, синглингиз, онангиз, олангиз ҳам Аллоҳнинг сизга берган гавҳари, Уларни бегона кўзлардан асранг. Билсангиз, ана шу асл муслмонлик.

Бутун кўплар динга эркинлик берилди, Исломиий йўлда бўламиз, фарзандларимизни шўри қуриган мактабларда ўқитмаймиз деб, болаларини ўрта мактаблардан ажратиб олишяпти. Бу тўғри эмас. Бу билан улар, ўз фарзандлари келажакга тўсиқ қўяётганликларини билишяптимики?

Исломиий йўлда, Исломиий тарбияда бўлиш албатта тенги йўқ амал. Лекин, асл муслмончилик бу билан чегараланмайди-да.

Бутунги фан-техника ривожланган асрда масжиддаги ибодат билан узоққа бориш қийин. Назаринда ҳақиқий муслмон ҳам диний, ҳам дунёвий баркамол инсон бўлмоғи лозим. Чунки, муслмон, муслмончилик — дунёни билиш, дунёни кўришдир. Бундан, муслмончилик дунёни билиш ва кўриш экан-ку, демак, намоз ўқиб, айш-ишрат қилавериш, рўза тутиб поря олавериш мумкин экан, деган айрича хулоса ҳам чиқармаслик

ўша кампатор», дейишади. Афсуски, бизга шўро бермаган имтиёзни, эртага шу япун кампаторлари беради.

Ҳануз аксарият ўрта мактабларда араб, форс, инглиз, фаранг тиллари кўшимча дарс сифатида ўтиломоқда. Бу дарслар кўшимча эмас, мукаммал ўтиломоғи шарт. «Ҳой биродар, кўзингни оч! Эрта ўтиб индинга биргина ўзбек тили билан Ушдан нарёққа ўтолмайсан», дейдиган мард йўқ.

Мақкаи Мукаррамада Аллоҳнинг ибодатини адо этиб юриб, бир ватандош билан танишиб қолдим. Отабобоси Самарқанднинг Пайшанба тарафидан экан. Дўконинда суҳбатлашиб тургандик, бир ҳожиди келиб инглиз тилида нарса сўради, пинагина бузмай жавоб берди. Орадан сал ўтмай афғон, индонез, турк ҳожилари келишди. Улар билан ҳам ўз она тилидагидек гаплашиб кетди. Ҳаяжондан, ҳой биродар, билмайдиган тилингиз ҳам борми, деб юбордим.

инқилоб бўлиб бу ёқларга келиб қолганми.

Шунда подшоҳ овозини баландлатиб:

— Алҳамдуллиллоҳ, бутунги еган овқатимни Аллоҳ сўрамайди. Сабабики, имом Бухорий ҳазратларининг авлоди билан ҳамсуҳбат бўлдим,— деган эканлар.

Муस्ताқил давлатимизнинг келажакги ёрқин бўлсин десак, ёшларимизни кампаторларда ишлашга ўргатмоқ, ўрта мактабларда араб, форс, инглиз, фаранг, япуну чин тилларини асосий дарслар қаторига қўймоқ жоиз.

Ёшларимизни тамоман мактабдан ажратиб, масжидга бериш ёки диний таълимдан йироқ тутиб, мактабдан ҳам чаласавод бўлиб чиқишларини танамизга бир ўйлаб кўрайлик...

Шодйёр МУТАҲҲАРХОН ўғли

УЛ ОЙ КЕМАДА

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

НОС ХУСУСИДА

билан дўст бўлиш, амал қилинмаган илм, беният садақа, соғ-саломатсиз тириклик.

Шаҳарни беш нарса безайди: уддабурон ҳоким, одил қози, обод бозор, моҳир шифокор ва азим дарё.

Абул ФАРОЖ

Ҳар ишда яхшидир юмшоқ сўзласанг, Яхшимас бошдан жанжал кўзласанг.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Беш нарса умрининг узайишига сабаб бўлади: ёқимли овоз, гўзал манзараларни томоша қилиш, маншадга фаровонлик, ширин сўзли хотин, мурод ҳосил бўлиши.

Фаридиддин АТТОР

Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўр ва аччиқ нарсани кўп ейиш.

Амир Хисрав ДЕҲЛАВИЙ

Қирққа борганинда мияннга чиқар, Бу ширин жонингни дўзахга тикар, Умрингни ўт айлаб, бурнингга тикар Заҳматдан тўкилар тишинг, эй носкаш

МАХТУМҚУЛИ

Яхши ном билан ўлсам, шу етади, менга яхши ном керак, тана эса ўлим учундир.

Заҳриддин Муҳаммад БОБИР МИРЗО

Беш нарса кишига манфаат етказмайди: мону дунё йиғишга хирслик, синаб кўрмасдан яиров

Мавлоно Ҳусайн ВОИЗ КОШИФИЙ

Кишида кўп иллат — кўп демакдандир, Касаллик, укубат — кўп емакдандир.

Фаридиддин АТТОР

Тўртта нарсадан кишининг кўнгли хушхол бўлади: сояга қарамокдан, оқар сувларга тикилмоқдан, чиройли хат, чиройли кишиларнинг юзига қарамокдан.

«Хулосат-ул Ҳукамо»дан

Ғайбулла СУЛАЙМОНОВ тўплаган

Дераза

РЕЗИНКА ХОНИМЛАРНИ УҒИРЛАШДИ

Омск шаҳрида секс-шоп дўконини ўғри ўрди. Дўкон мудирининг айтишича, талончилар секс саноати маҳсулотлари баҳосини яхши биладиган кимсалар. Улар энг зўр секс «эҳтиёт қисмлар», 12 тур секс-плавка тўплами, аёлларнинг Америкада тайёрланган ажойиб чўмилиш кийимини ўмариб кетишган. Кўрилган умумий зарар 130 минг рубл.

Дўкон ходимлари ҳаммасидан ҳам икки беозор, гап қайтармайдиган пуфлама резинка хонимдан айрилишгандан қаттиқ ўқинишмоқда. («М—Э»)

ЎЗИНИ ТУТОЛМАЙ ҚОЛДИ

Биробиджонлик деҳқон тозаям ҳаддидан ошиб кетган ўғрилари томорқасида картошка ўғрилаётганда тутиб олиб, қоқ манглайдан отиб ташлади. Жабрланганлар яшаш жойи, насл-насабининг тайини йўқ, олдин судланган икки саёқ экан. Прокуратура полиз эгаси қуролни тўғри қўллаган-қўлламаганини аниқламоқда. (РИА).

УЗОҚ УМР СИРИ

Шимолий Қурия халқи доҳийси Ким Ир Сен анча бақувват чол чиқиб қолди. Унинг беш ёшли қизчаси бор экан. Ана шундай шов-шув хабарни тарқатган япон матбуоти гарб махфий хизматидан ундирган маълумотларга қараганда, қизчани доҳийга уқалаш-силаш муолажаларини бажарувчи ҳамшираларидан бири туғиб берган.

Олдинлари хонимлар масаласида ўта жиддий бўлган Ким Ир Сен, кексайгач уларга анча хайрихоҳ бўлиб қолган. У ўн саккиздан йигирма беш ёшгача бўлган сулувларнинг йилга ўн-ўн бешини паноҳига олар экан. (РТР)

БИР ЙЎЛА БАЖАРМАНГ

Балакова шаҳрилик М. исми ўспирин ҳожатни бир йўла мириқиб сигарет чекиб чиқармоқчи эди... портлаш содир бўлди. Етиб келган мутахассислар бунинг сабабчиси бензин буғи эканлигини аниқлашди. Жамоат ҳожатхонасида у қаердан пайдо бўлган, ҳозирча номаълум.

Аниги: ўспириннинг айтиб бўлмайдиган жойи куйган.



ЧЕВАРЛАР

ЎЗА сурати

Эълонлар

60 ЕШДА

Тошкент вилоятидаги Зангиота туманида яшайман. Раҳматли аёлимиз 10 йил аввал қазо қилган. Шунда буён ёлғизман. Уғил-қизларим уй-жойли бўлиб, ўзидан тинчиб кетган. Ҳозир икки ўғил-келиним билан 13 сотихли ҳовлида тураман. Уғилларимнинг уйи алоҳида, ўзимнинг ҳам алоҳида уйим бор. Муслима бир аёл бўлса, қолган умримни ҳудо деб бирга ўтказасан дейман. «Оила-93» хатларингизни кутмоқда.

32 ЕШДА

Фарғона вилоятиданман. Шахсий уй-жойим, 20 сотих боғим бор. Ёлғиз онам билан тураман. Савдо соҳасида ишлайман. Бўйим 175 см вазним 70 кг. Кўринишим ёш, 24—25 ёшлардаги йиғитга ўхшайман. Мақсадим меҳрибон, покиза бир қизга уйлашиб, бахтли ҳаёт кечирिश. Шароитга қараб, кўчиб ўтишга розиман. «Оила-94» га

мактуб йўлланг.

26 ЕШДА

27—30 ёшлар атрофидаги зиёли эркек билан танишиб, оила қурмоқчиман. Турмушга чиқмаганман. Яшаш жойим Самарқандда. Болаларни севганим учун боғчада тарбиячи бўлиб ишлайман. Ўзимнинг болаларим бўлишини истайман. «Оила-95» сурат ва мактубларингизни кутади.

50 ЕШДА

Аёлим касаллик туфайли вафот этган. Самарқандликман. Саккиз фарзандимнинг 6 таси уйли-жойли, фақат икки нафари уйда. Уларга оналик меҳрини бериб тарбияладиган покиза, ширин сўз, содда, ростгўй аёлга уйланмоқчиман. Бўйим 165 см, касбим — ишчи. «Оила-96» га хат ёзинг.

29 ЕШДА

Менинг оилам бор эди, лекин ҳозир 2 ўғилчам билан

ёлғиз қолдим. Каттақўрғонда тураман. Маълумотим олий — ўқитувчиман. Еши 30—35 лар ўртасидаги ўқимишли, аёл кишини ҳурмат қиладиган киши бўлса (шаҳарлик бўлишини хоҳлардим), оила қурсак деган ниятим бор. «Оила-97»га мактуб йўлланг.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Адажон! Аяжон! Эртага бўладиган кумуш тўйингиз кутлуг бўлсин. Адажон! Шу кутлуг кунда нишонланадиган 50 баҳорингиз билан муборакбод этамиз. Фарзандларингиз БОТИР, НАФИСА, НАРГИЗА, НИЛУФАР, НИГОРА, МИРСАЙДОВлар. Тошкент.

Анвар Обиджон бобо! Не-вара муборак! Боболик (бобо деймиз-да энди!) кутлуг! Илоҳо, умри билан берган бўлсин! Яна Сизга умрибоқий чевара ва эваралар ҳам тилаб эҳтиром билан шоғирдингиз Урол Ўзбек

«Оила ва жамият» Сизнинг имкониятларингизни чамалаб кўриб, эълон баҳосини энг кам миқдорда белгилади. 1 босма белгининг (харф, версул) баҳоси — 1 сўм (Москванинг «Семья» ҳафталигида 5 сўм!). Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 100 сўм. Эълон бир ой муддат ичида чиқарилади.

10 кун муҳлат билан бериладиган шошилинч эълонлар икки баравар қиммат — 2 сўм.

Эълон учун тўланадиган пулни почта ёки телеграф орқали ўтказиш йўли (перевод) билан куйидаги манзилга жўнатиш: 700029, Тошкент — 29, Намойишлар хиёбони, 1-уй, «Оила ва жамият» тахририяти, Ю. Зиёдов. Эълонни тушунарли қилиб ёзиб, тўланган пул квитанцияси ёки унинг нусхаси билан «Хусусий эълон» деб кўрсатиб, тахририят манзилига юборинг.

Эълонларни тахририятга келиб ҳам бериш мумкин.

Агар омад кулиб боксин, десангиз «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»нинг хизматидан фойдаланинг!



МЕНИНГ САРИҚ ГУЛИМ

...Эшикни очганимда у қўларини орқасига қилганча жилмайиб турар — жилмаяр экан, чехрасида эриб кетаётган лаҳзалик қувонч кўзларидаги мунгга қоришиб, галати бир ифода касб этарди. Хотирамда мангуга муҳрланиб қолган ва ҳофизамда ҳар доим ширин бир орзиқиш билан жилва қиладиган бу мунаввар сиймога боқиб турарканман, ним ёруғ даричадан тушаётган кўёш нурлари унинг кулгичларида синиб бораётгандек туюлди менга.

— Яхшимисиз... Унинг лаблари бесас, аммо худди шу лутфга монанд титранди.

Ичкарига таклиф қиларканман, у аввал ийманиб, орқасига тисарилди, сўнг бирдан қўлларини мен томон чўздиди, сизга, — деганча ҳали марг бўлиб улгурмаган бир дона сариқ гулни тутқазди. Мен гулни олганим ҳамоно, ёзув дастгоҳим устидаги сув тўлдирилган шаффоф идишга солиб қўйдим. Хона ёришиб кетгандай бўлди. Бир дақиқа олдин, ўзим билан ўзим қолганда хаёлимни қуршаб оладиган телба хавотирлар энди энг яхши суҳбат — сукунат бағрига сингиб борар ва бу сувратланиб турган тасаввур менга шарори ўчаётган алангани эслатарди.

У лабларини қилтиб олиб, бир нуқтага тикилганча жим

ўтирар, мен эса кўзларим билан ҳамон у тикилиб турган ўша нуқтани «тафтиш» қилмоқчи бўлардим. Алоҳа ўртадаги ноқулайликка барҳам бериш мақсадида шоир айтган «сеҳрли» кулдонни пешхон устига олиб қўйдим.

Нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтладим. Аммо нима дейишим кераклигини ҳали ўзим билмасдим. Ҳар нечук, ўша «сариқ гул» тўғрисида гап очмасликка тиришардим. Аммо...

— Биласизми, — деб гап бошлади у. — Йўлда кетаётсам, бир йигит қўлида манави сариқ гулни ушлаб келаятган экан — шундай чиройли-и. Олдимга келиб, мenden соат сўради. Кейин... кейин гулга қараб юрагим орзиқганини сезди чамамда, уни менинг қўлимга тутқазиб кетди...

Нахотки? — демоқчи бўлдиму, ўзимни базўр тутиб олдим. Сариқ гул, соат, нота-ниш йигит — чиройли муқояса. Аммо бу ерда учинчи унсур ортиқча эди. Ҳеч қандай йигит унга сариқ гул тухфа этмаганини яхши билиб турардим. Бироқ у шундай самимий сўзлардики, уни тинглаш учун каманда ана шу сўзларнинг рост эканига икдор бўлиш керак эди.

У сўзлар экан, ҳеч қандай самимиятдан зўриқмас, ма-

бодо бу самимият ошириб юборилса, оқ-сарикча мойил юзлари қизариб, нигоҳлари сезилгудек тийра тортиб қоларди.

«Чолиқушига ўхшайди», — деган фикр кечди хаёлимдан. Чолиқушига? Нахотки бу ҳам ўшанга ўхшаса? Хаёлимга келган бу тасаввурни пинҳона таҳлил қилишга тиришар эканман, ҳам ичдан севиндим, ҳам кўнглим алланечук хижил бўла бошлаганини сездим. Чунки бу мен «Чолиқуши»га ўхшатаётган биринчи қиз эмасди.

...Аввал унга «мен сизни севаман» деб айтишдан узоқ вақт истиҳола қилиб юрдим. Кейин эса бу изҳорга умуман ҳожат йўқ экани аён бўлиб қолди. У сиртдан қараганда хокисор инсонларга хос тасаввур қолдирар (ваҳоланки, аёлларда хокисорлик туйғуси, асосан, ўрта ёшларда кўзга ташланади), бироқ тийнатидаги ички мағрурлик такаббурликни туйғиши мумкин бўлган мудҳиш синоатга ўхшаб туюларди. У кўзларида ёш халқобланиб турса ҳам, ички бир севинч билан сўзлар, назаримда, кечирилмас гуноҳ қилгану, аммо афсус-надомат тўғрисида ҳеч қачон жиддий ўйлаб кўрмаган одамни эслатарди. Биз баъзан ярим кеча, баъзида тонг ёришгунга қадар айвон-

да суҳбатлашиб ўтирар, мабодо гап айланиб, жиддийроқ мавзуга тақалгудек бўлса, у дарров ўрнини йиғиштирарди-да, «Ҳай, яхши қолинг» деганча кўздан ғойиб бўларди. Шунинг учун мен доим ўзим ўйлаб қўйган «жиддий» мавзудан чекинишга мажбур бўлардим. Гоҳида уззу-кун қундалик ёзиш билан машғул бўлар, ҳар хил «жимжимадор» сўзлар билан ўзимни овуттишга тиришардим: «...сен кимдир соғинаётган бўлсанг, ўзингни унут. Мабодо кимдир унуттишни истасанг, ўзингни қаттиқроқ соғин!» Узингни қаттиқроқ сев. Шундагина кимгадир севги изҳор қилишдек ҳалокатли ҳиссиётдан қутуласан.

«Кимдир... сени... қайдадир жим ўйлаётгани» тўғрисидаги бачкана тасаввурдан лаззат олишга қўрбинг етса ҳам, сен бу бемаъни машғулоти ташла!»

Мен бу фавқуллода иродали ва шаддод қизни узоқ ўргандим. Ҳеч кимга ўхшатолмадим. Иттифоқо бир куни хонада ивирсиб ўтирган чоғимда кириб қолди. Нима ёзаяписиз?, — деб сўради. Мен қундалик ёзаётганимни айтдим. У кулди, кулгани баробарида истехзо билан:

«Бахтли кунларнинг нимасини ҳам ёзасиз?» деди-ю, эшикни ёпиб чиқиб кетди. Унинг гапидан сўнг шууримда нимадир ялт этиб чақнагандай бўлди. У ирод қилган сўзларни қачон, қаерда ўқиганимни эслашга тиришдим. Топдим! Ахир бу Чолиқушининг сўзлари эмасми? Чолиқуши! Дарвоқе, у ростдан ҳам Чолиқушига ўхшайди-ку?! Ҳа, у Чолиқушига ўхшарди. У кулиб турган чоғда ҳам бемалол унинг кўзларига қараб туриб йиғлайвериш мумкин эди. Бироқ буни унинг ўзи билмасди...

Бир куни унга «Сиз Чолиқушига ўхшайсиз» деб айтдим. У жиддий тортиб қолди.

Шу гапдан сўнг кам кўринадиган, бора-бора умуман кўринмайдиган бўлиб қолди. Кейинроқ шу сўзни айтганим учун қаттиқ афсусландим. Чунки энди «Чолиқуши» йўқ эди. Фақат сариқ гулнинг ўзигина қолган эди, холос.

Ҳозир ҳам, шуларни ўйлар эканман, стол устидаги сариқ гулга қараб, бирдан хушёр тортидим. Энди қаршимда ўтирган мана бу қизга «Сиз Чолиқушига ўхшайсиз», — деган гапни айтишдан, тўғрироғи, уни йўқотиб қўйишдан кўрардим. Айтмадим. Мен уни шеър қилиб ёзишни маъкул кўрдим.

«Менинг сариқ гулим...»
Рашод НУРИ

Рухим, гул атридан бўлаверма маст,
Талғатим, тохирлик мақомида кул.
Холбуки, бахорий ифторлар эмас,
Видолар таратур бунда сариқ гул.

Заъфар зиёсидан ёришган туним,
Шафоат шамъида парвона титроқ,
Алфироқ, гуллара қоршиган куним,
Гуллардан олажак хуним, алфироқ!..

Не ҳадис — ҳиссиёт шуурга ҳоким?
Димоғ сувратида капалаклар тул.
Дилимнинг июнат — авфи гуноҳим,
Нечук ўртамизда битта сариқ гул?..

Паҳлавон СОДИҚ



Суратчи: Х. МАМАТҚУЛОВ

ЎЗ ЮРАГИНИ СУҒУРИБ ОЛГАН РАССОМ

Мехико марказидаги Сан-Хуан майдони. Кўёшнинг қиздираётганига қарамай, катта шаҳар одамлари бир зум тиним билишмайди. Майдон бузилган кумурсқа усини эсга салади.

Ҳамма ўз ташвишида қаёққадири ошиқади. Тўсатдан, кўчадаги сотувчи аёлларнинг аянчли қичқирғи барчанинг эйтиборини тортди. Одамлар майдоннинг ўртасига йиғила бошлади. Қий-чувни эшитиб, майхонада ўтирган кишилардан бири кўлидаги ичилмаган бир стакан шнапс билан чиқиб келди ва унинг ширакайф кўзлари кўча ўртасида қонга беланиб ётган кизга тушди. Маълум бўлишича, кўп ўринли киракаш изовш билан трамвай тўқнашиб кетбди. Бу 1915 йилнинг 17 сентябри эди.

«Бир киши мени уйга олиб кириб, билард столига ётқизди,— деб ёздаи 18 ёшли Карлин Фрида Кало ўз кундалигида.— Релс, худди найза ўлжани тешгандай, буйрагимни яралаб, танамни тешиб ўтган эди.

Фрида Калонинг ўқубатлари мана шундай бошланган эди. Тақдир уни аяб ўтирмади. Умуртқа погонаси бир неча мартаба операция қилинди. Уч бора ҳомиласини олдиришга тўғри келди. Оёғини кесишди. Мексика ва Шимолий Амриқо касалхоналари бўйлаб азобли кўчиб юришларнинг барига дош беришда унга ўз жуфти ҳалопи — максикалик машхур рассом Диего Риверага бўлган чекисиз муҳаббати мадда берди. Бунда албатта иктидорининг ҳам ҳиссаси бор. «Мен ўлмадим,— деди у тўқнашудан бир неча ҳафта ўтгач,— мен тирик қолиш воситасини топдим: рассомлик».

Фрида Кало учун биринчи ижодий устакхона вазифини тўрт оёғи маҳкамланган касалхона симтўшаги ўтади. Қаршида эса кўзгу осигилиқ турарди. Бир йил давомида Фрида кўзгуда акс этган орғилар бужмайтирган портретларни чизди ва унинг ишлари — бу касалликнинг чангалига абадий тушган асир кундаликлари бўлиб қолди. «Менинг асарларим — орғик хроникаси»,— деганди у.

Фрида ўзининг ноғиронлик курсисини, дунё юзини кўролмаган ҳомилалари суратини, бўлакланган умуртқа погонаси ва узилган қон томирлари расмини чизарди. Ўз портретиди у йод ҳиди анқиб турган гипсли белдамчасини кумушранг-зангори гуллар, ранг-баранг қуш патлари билан беаган. Ҳатто гипсининг устидан кийилган кўйлагиди ҳам жароҳат чандиқлари акс этган.

Фрида Кало деярли ўттиз йил ўлим шарпасини мўйқалам билан ҳайдаб яшади. Улим 1954 йилда устун келди. Ушанда Фрида Кало қирқ етти ёшда бўлиб, Мексикада энг машхур рассом ҳисобланарди. Дадаист Марсел Дуккам Камп унинг сурат-

ларини Парижда, коллекционер Пеги Гуггенхайм Нью-Йоркда намойиш қилишди. Пабло Пикассо Фрида Калодай яхши чизолмаслигига иқрор бўлган эди. Сюрреалист Андре Бретон унга эссе бағишлаб, эссени шундай якунлайди: «Фрида Кало санъати — бомба боғланган лента».

Шундан кейин рассом аёлни унутиб юборишди. 70-йилларда феминистчи аёллар Фрида Калони тарихдаги энг буюқ рассом аёл, деб тан олишгандан сўнг, уни яна эсга олишди ва у қайтадан кашф қилинди.

...Болалигида Фрида Кало умуман мексикаликларга хос анъанага кўра, инқилбчи бўлмоқчи эди. У кўзғолончи Запата ва Панчо Вильялар билан фахрланарди. Улар қалин мўйлабли, кўкраклариди патронтошли камардан боғлаб, тор шимлардан кийишар, оёқларида узун, албатта чанга ботган этик бўларди.

Фрида Кало ўзининг болалиқдаги қаҳрамонларига ўхшаб кетадиган, барваста рассом Диего Риверани бир кўришдаёқ севиб қолди. Диего комбензон, шляпа кийиб, белида тўппонча осиб юрарди.

1919 йил 23 августиди Фрида Кало билан Диего Ривера рассомлар кварталиди жойлашган Койкоон шаҳар бошқармасиди никоҳдан ўтишди. Никоҳ маросимида бир сартарош ва ҳакам гувоҳ сифатида иштирок этди. Бу вақтга келиб — фалокатдан сўнг тўрт йил ўтгач,— келиннинг аҳвали анча яхшилланган эди. Тўқнашув юз берган кун, дахшатли ориқларнинг қайталашлари унутилди. Умуртқаси синган инсон ўз таянчига эга бўлди. «Сен мени синган ҳолимди топдинг ва мени ҳаётга қайтардинг»,— деб ёзганди Фрида Диегога.

Унинг яшаш жойи нотаийн, ашадий хотинбоз ва тинибтинчимайдиган катта истеъдод эгаси бўлган инсонга турмушга чиқмоқчи бўлгани келиннинг ўзидан бошқа ҳаммага телбалик бўлиб туюлди. Диегонинг ишқий саргузаштлари Мексикада, мода ўйлариди сўхбатларда энг қизиқ мавзу ҳисобланарди. Айниқса, у билан Гваделупа Марин ўртасиди муносабат катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Уларнинг ҳар бир жанжалидан ҳам, ҳар бир ярашувидан ҳам кинода сюжет сифатида фойдаланиш мумкин эди.

Фрида Калонинг роса овоза бўлган кўрғазмадаги воқеадан ҳам хабари бор эди. Диего расмларни томоша қилаётган кубалик қизни ёқтириб қолиб, унга гап отди. Буни кўрган Дупа бақира кетди ва Риверанинг суратларини йиртиб ташлади. Сўнг навбат бечора рақибасига келди. Меҳмонлар қочиб кетишгач, Диего севгилисининг сочидан тортиб, хона бўйлаб судради. Сўнгра баданлари кўкариб кетгунча урди. Эртасига Лупа ярашиш учун Диегонинг олдига кел-

ди ва унга янги тўппонча совға қилди.

Фрида Лупа билан илк бор ўзининг тўйиди учрашди. Газабланган маъшуқа тантана ўтказилиши керак бўлган уйга бостириб кирди ва келинга яқинлашиб, унинг куйлаги этагини очиб юборди. Фриданинг озгин оёқларини кўрсатиб, қичқирди: «Мана бу чўпларни кўрпясизларми? Диего менинг оёқларимни унга алмаштирди». Яна шовқин кўтарганча чқиб кетди.

Орадан кўп ўтмай, иккови иноқлашиб қолдилар. Кўпинча Лупа, Фрида ва рус аёли Ангелина Беловалар (Ривера бир пайтлар уни ҳам севган эди) бирга ўтириб чой ичишар ва уч аёл нима бўлган тақдирда ҳам кўнгили узолмаган, ҳар қандай ишини кечириб юборадиган Диеголарни ҳақиди сўхбатлашарди. «У катта гўдак, холос»,— дерди Ангелина Белова.

Бу тенгсиз никоҳ эди. Билмаган киши уларни ота ва қиз деб ўйларди. Баҳайбат Диегонинг ёши Фриданикидан деярли икки баробар катта эди ва у болалигидан Гаргантони эслатарди. Йигирма ёшда унинг оғирлиги уч юз фунт чиқарди. Бертран Вольф, «Бутун Мексика ва Испанияда ҳам бундай узун одам бўлмас керак»,— дегани-деган эди.

Фрида Кало эрини «карасда» (маъноси «қурбакануша»га яқин) деб атар, Диего учун эса Фрида ҳамиша «Менинг гўзал гўдагим» эди. У тез-тез хотинининг суратини чизар, бироқ улар Фриданинг ўзи кўравериб кўникиб кетган озгин, кичкина, кайфияти тушқун Фрида эмасди. Ривера картиналарида уни ҳаёт шавқини суратган аёл сифатида тасвирларди. Бир суратда кўкрагини ўроқ ва болға нишонлари беаган инқилбчи аёл образиди бўлса, яна бирида халққа қурол таркатаётган партизан қиз образиди кўзга ташланарди, яна бирида эса полни йўлдан ураётган ишвагарга айланарди.

Фрида Диегога отага сингари бир ҳурмат туяр ва шу билан бирга Диего унинг учун гўдак — ўзи тўғолмаган гўдак бўлиб қолаверарди. Фрида ўзининг сон-саноксиз

автопортретларидан бирини шундай ишлаган: унда юзи икки қисмга бўлинган — ярми Фрида, ярми Диего. Яна бир суратда Диего унинг пешонаси ўртасиди, учинчи кўзга ўхшатиб тасвирланган. Бир кун у ўзини гўдак Диегони кўллариди кўтариб турган она сифатида чизган эди.

У суратларини бошқалар кундалик юритишганидек чизарди. 1938 йилда улар ажралишганидан сўнг «Кўш Фрида» номли сурат пайдо бўлди—викторян услубиди тикилган оппоқ куйлақдаги Фрида ва қора кийган Фрида.

Икковининг ҳам юраги хирург столидагидек кўкракдан чиқариб олинган. Икки аёлнинг ҳам кўлида ажралиш турган қон томирларини қайчи билан узиб ташламоқда. «Фрида — ўз юрагини кўкрагидан сўғуриб олган тарихдаги биринчи ва ягона рассом», деган эди Ривера.

«Кесилган сочлар билан автопортрет»да Фрида эрининг вафосизлигига шама қилади. «Сен яна бирортаси билан юрганингдан хабар топсам... сочимни олдириб ташлайман»,— деб қасам ичган эди у. Билиб қолган чоғдаёқ кўлига қайчи олди. Суратга эпиграф сифатида ўша пайтдаги машхур қўшиқ сўзлари олинган эди: «Мен сени севардим сочларинг учун. Сен уларни кесиб ташладинг ва энди мени сени севмайман». Икки йиллик ажралишдан сўнг улар яна бирга ҳаёт кечира бошлашди.

Фрида Кало умрининг сўнги йилларида ўзини ўлдирит тўғрисида кўп ўйларди. Умуртқа погонасини еттинчи марта операция қилишганидан сўнг у оғир гипсли белдамчи тақиб юришга мажбур бўлганди. Энди фақат ётган ҳолида сурат чиза олади. Фриданинг ётоғиди энди хушбўй гулларнинг эмас, дориларнинг ҳиди анқир, каравот ёнидаги тумбочкада оғрик қолдирувчи ампулалар титилиб ётарди.

Улимидан бир неча ҳафта олдин оғрик хуружиди умидсизликка тушган Фрида автопортретларидан бирини пичок билан бўлақлаб ташлади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган биографи Рахел Тибол, «суратини йўқ қилган тиг билан у ўзини ҳам ўлдирди. Бу ўз-ўзини қурбон қилиш маросимига ўхшаб кетарди», деб ёзган эди...

Русчадан Бахтиёр ИМОНОВ ўзбекчалаштирди

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЁҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА

Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕВ
Мейли
ИЮЛДОШЕВ
Рўзимат
САФООМ
Абсалом
УСАНОВ
Баҳодир
ЭШОНХОНОВ
Урол
ЗУБЕК

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасиди
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —

Тошкентдаги
«СЭВИЖ»
тижорат жамияти,
Фаллаорол
туманидаги
«Фаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Намангандаги
«Тўқимачи»
маданият
саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намойишлар
хизмати,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индеси 64654
Буортма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашрият —
матбаачилик
коопераци
Тошкент шаҳри



ЎЗА сурати

Ҳаётий ҳангомалар

«ЙИҒЛАБ КЕТГАН» ЭШАКЛАР

Бу ҳангомани менга лангарлик Суяр ака айтиб берганди.

Бир замонлар «Чироқчи»да эшак жуда кўпайиб кетганди. Қир-адирлар, дарё бўйларида тўда-тўда бўлиб юрар, экинларни пайхон қилиб, сувларни булғаб юборарди. Улдирсанг гуноҳ, буям худонинг маҳлуқи. Қандай қутулиш мумкин? Шунини ўйлаб турувдим, Шаҳрисабз томондан катта бир мошин келиб қолди, тўхтатдим.

— Ҳа, ака, нима хизмат? — деди ҳайдовчи деразадан бошини чиқариб.

— Шаҳарга қайтасизми?

— Қайтаман.

— Чияли бозорига эшак олиб бормоқчи эдим.

— Майли, — деди у. — Барибир бўш қилардим. Ярим соатда келаман.

Бекорчи болаларни чақириб эшакларни бир камарга йиғиб бўлишимга машина келди, орқасини тўғри-лаб орддик.

— Қанча берасиз? — деди ҳайдовчи.

— Ҳар эшак бошига бир сўмдан, — дедим.

— Камроғу, майли, бўлади, кабинага чиқинг.

— Йўқ, мен тепасида кетаман, — дедим қувлик билан. — Йўлда яна битта-яримтаси тушиб қолмасин.

— Ихтиёрингиз, — деди у ва машинага газ бериб йўлга тушди. Мен эса орқасидан билдирмай сакраб тушиб қолдим. Машина ва эшаклар зингиллаганича шаҳар томонга кетди...

ЯШАСИН...

Уруш авжи палласига кирган ёз кунларида вилоят газетидан бир муҳбир Ҳисор тоғларига келиб қараса даладаги ҳамма ишни хотин-халаж, ёш болалар ва қариялар қилаяпти. Айниқса, тоғ ораларига экилган буғдойларни эшакларга ортиб истансага олиб келишади. Муҳбир кўрсаки, ҳар қарвон, юз-юз эллик эшакдан иборат. Бутун оғирлик бечора шу жониворлар зиммасида. Бундан у фоятда таъсирланиб шаҳарга қайтган заҳоти газетда

ёзибди: «Бизда ҳозирги оғир шароитда эшаклардан зўр нарса йўқ экан. Яшасин, сўсализм эшаклари!»

«ВОРИСЛАР»

Чўли ота Қашқадарёда машҳур одам бўлган. Бу уста деҳқоннинг номида ҳозир хўжалик, мактаб ва кўчалар бор. Шу одам хўжаликка раҳбар бўлган пайтларида содир бўлган бир ҳангомани айтиб ҳамон одамлар кулиб юришади.

Куз охирида, совуқ тушиб қолган кунларда хўжаликка марказдан комиссия келибди. Пахта сиёсати қалтис, ҳеч кимни аямайдиган замонлар. Вакиллар дала айланишаётиб бир жойга келишса, катта пайкал якка чигитлардан оппоқ бўлиб ётганмиш.

— Мана пахта, — дейишибди улар, Чўли отага қараб. — Ҳаммасини териб олганмиз, дегандингиз?

— Ҳа, энди...

— Картани тозалашга қанча вақт сўрайсиз?

— Эртага эрталабгача.

— Кўлингиздан келармикин...

— Келар...

— Бўпти, кўрамиз, — дебди бошлиқ ишонқирамай.

Улар кетиши билан Чўли ота келармикин чақириб, зарур топшириқларни берибди. Вакиллар эртасига эрталаб келиб қарашса, ҳақиқатдан ҳам пайкал пахтадан тозаланган, бирорта ҳам оқарган чигит кўринмасмиш.

— Қандай улгурдингиз? — деб сўрабди вакиллар бошлиғи ҳайратда қолиб.

— Комсомолларимиз бир ғайрат қилишди-да... — дебди Чўли ота кулиб юбормаслик учун юзини четга буриб. — Коммунистларнинг ҳақиқий ворислари-да, азаматлар...

Вакиллар қарасаки гапнинг бугеи сиёсатга қараб бораёпти. Индамай жўнаб кетишибди.

Маълум бўлишича, колхознинг тўрт сурув кўйи топшириқнинг аъло даражасида бажарган экан.

Норкул ТИЛОВ
«Чироқчи» тумани

ЖИМЖУДАМИ

Закилардан

— Пиёда қолдим, ошна. Эшак жуда қиммат бўлкетди, «Волга» олай десам, минини билмайман.

* * *

— Сендаги энг катта камчилик шуки, сиёсий билиминг йўқ. Агар сиёсий томондан пухта бўлганингда, Партов хасиснинг неварасига совчи юборишдан олдин мен билан маслаҳатлашмасиндиг.

* * *

— Масковда бир хил бурга пайдо бўлганмиш, аввал одамлардан қайси фиркага аъзолигини суриштириб кўриб, таъбига ёқмаганини чақармиш.

* * *

— Вой, чумчуқлар-ей, пивани истакон чўқштириб ичгани уялмайсанларми? Нима бу каянкиди? Биз Кўклам полвон билан қасдма-қасдига пивахўрлик қил-қолсак, пақирни пақирга уриштириб ичамиз.

Б. БАХРОМ



Муаллиф: Абилжон АБДУРАҲМОНОВ

ТТТ ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

Таллончи харидорлар! Эртага маҳалла дўконига совун, қовун ва қишлоқ ижроқўмидан рўйхат кўтариб муовин кел.

Кейинги ҳафтадан бошлаб маҳалламиздаги тўйларда эри бор хотинларни ўйинга тортиш, отарчига бешталиқдан ортиқ пул қистириш, жанжал чиққанда бировнинг бошига бўшамаган шиша билан уриш таъқиқланади.

Бўғоз бўлмаган хотинлар бир ой муддат ичида медпўнктга келиб рўйхатдан ўтишларини сўраймиз.

Ҳурматли ота-оналар! Озиқ-овқат танқислашгани туфайли, йиғирма ёшдан ошган болаларингизни бундан буён қишлоғимиз боғчасига етаклаб келмаслигингизни илтимос қиламиз.

Боласини қувонтириш учун «Кукурузний палчкка» олиб бермоқчи бўлганлар маккачилик бригадирининг қайинанаси Ҳирмон холанинг ўйига борсин.

А. Б. БЕК



Бемаҳалда дўхтирининг телефони жириглади.

— Уғилчамиз авторучкамни ютиб юборди, — деди кимдир. — Илтимос, ёрдам беринг.

— Ҳозир етиб бораман, — деди доктор. — Узингиз нима қилапсиз!

— Қаламимни ишлатяпман...

Лотореядан қуйидагича ютуқлар чиқди: Калга — тарақ, кампирга — мотоцикл, қари бўйдоққа — бешик, ёш хонимга — соқол олгич машина, қари бевага — сўргич.

Профессор: — Жон, НО, ниманинг формуласи!

Студент: — О, ҳозиргина тилимининг учуда турганди-я.

Профессор: — Яхши. Лекин уни тезроқ туфлаб ташланг. Ахир у азот кислота-ку.

Инглиз тилидан
Уроқ РАВШАН таржимаси.

Муаллиф: Нурман БЕРДИЕВ

